

Бахилликдан қўрққан саҳоба



14:13 / 21.07.2025 1778

Ҳазрати Абдурахмон ибн Авф милодий 571 йилда Маккада туғилганлар. Бир ривоятга кўра эса у Фил йилидан тахминан ўн йил кейин дунёга келган. У Қурайш қабиласининг Бану Зухра уруғидан бўлган Ҳориснинг ўғли бўлиб, жоҳилият даврида унинг исми Абдулкаъба Абду Амр ёки Абдулҳорис эди. Кунyasi Абу Муҳаммад. Тўлиқ исми Абдурахмон ибн Авф ибн Абдул Авф Ал-Қураший аз-Зухрийдир. Насаби жиҳатидан унинг бобоси Килоб ибн Муррада Пайғамбаримиз билан бирлашади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Арқамнинг уйида ўз фаолиятларини бошлаган кунларда Исломга кирган Абдурахмонга бу исмни ҳазрати Пайғамбаримизнинг ўзлари қўйганлар. Унинг жоҳилият даврида баъзи ёмон одатлари бўлганига қарамай, хамр ичмаган ва чиройли хулқи билан инсонларнинг муҳаббатини қозонган. Асҳоби киромнинг улуғларидан саналган ҳазрати Абдурахмон жаннат хушхабари берилган ўн кишидан бири, Абу Бакр розияллоҳу анҳу воситасида саккизинчи бўлиб Исломга кирган улуғ саҳоба эди. «Орқангда нима гаплар бор, эй Абдурахмон?»

Ҳазрати Абдурахмон ибн Авф ёшлигидан бошлаб тижорат билан шуғулланган. Шунинг учун у тижорат мақсадида турли ўлкаларга бориб келарди.

У киши шундай дейди: «Мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рисолати ошкор қилинмасидан бир йил олдин Яманга

бордим ва у ерда Асқалон ибн Авақирул Ҳимярий исмли мўйсафиднинг уйида меҳмон бўлдим. Мен ҳар сафар унинг уйида меҳмон бўлиб қолар эдим. У мендан Маккадаги хабарлар ҳақида сўрарди. «Сизнинг ичингиздан хабари берилган ва зикр қилинган бир зот чиқдими? Динингиз борасида сизга қарши чиққан бирор киши борми?» дерди. Мен ҳар доим: «Йўқ, чиқмади», дердим. Ниҳоят Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга рисолат берилиб, Ислом динини инсонларга махфий тарзда ёя бошлаган йил келди. Мен Яманга бориб, яна ўша кекса кишининг уйига кирганимда, у менга: «Мен сенга тижоратдан ҳам хайрли бўлган бир муждани берайми?» деди. «Ҳа, беринг», дедим. У шундай деди: «Аллоҳ таоло сенинг қавминг ичидан Ўзи рози бўлган ва танлаб олган бир кишини пайғамбар қилиб юборди. Унга Китоб ҳам берди. У киши инсонларни бутларга сиғинишдан қайтаради ва уларни Исломга чақиради. У ҳаққа буюради ва ботилни йўқ қилади. У Бану Ҳошим уруғидандир. Сизлар унинг тоғаларисизлар. Сен тезроқ қайт! Тезда бориб, унга ёрдамчи бўл! Уни тасдиқла ва мана шу байтларни ҳам унга олиб бор!» деди ва бир байт айтиб берди. Мен яманлик мўйсафиднинг айтган байтларини ёд олиб, Маккага қайтдим ва ҳазрати Абу Бакрни қидириб топдим. Унга яманлик Фиднинг гапларини айтиб бердим. У киши шундай деди: «У Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммаддир. Уни Аллоҳ таоло бутун инсонларга пайғамбар қилиб юборди. Сен тезда у кишининг олдига бориб, иймон келтир».

Шундан кейин мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйига бордим. У киши мени кўриб, кулимсиради ва: «**Орқангда нима гаплар бор, Абдурахмон?**» деб сўради. Мен эса ҳайрон бўлиб: «Бу нима деганингиз?» дедим. У киши: «**Менга омонат қилинган ва ўша одам тарафидан сен орқали юборилган нарсани олиб келиб, менга бер. Шубҳасиз, уни менга юборган Ҳимяр ўғли мўминларнинг энг устунларидандир**», дедилар. Мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзларини эшитиб, дарҳол шаҳодат калимасини келтирдим ва мусулмонлик шарафига эришдим. Шундан кейин ҳалиги яманлик кишининг байтларини ўқиб, унинг гапларини у зотга айтиб бердим. Буларни эшитган ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Вақти-вақти билан шундай мўминлар бўладики, улар мени кўрмай туриб, менга иймон келтирадилар ва мени тасдиқлайдилар. Мана шулар менинг ҳақиқий биродарларимдир**».

«Миллионер саҳобалар» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 март 03-07/1613-сонли хулосаси асосида тайёрланди.